



О'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (0366) 456-15-89 faks.: (0366) 456-10-01

2019 у.г. «24» апрель

№ 914-15

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотилган ер майдонини ажратиш ва қурилишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20-апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3677-сонли ҳамда 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5552 сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30-июндаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “YER ELEKTRON” тизимидан олинган Вазирлар Маҳкамасининг 493-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги МИБ “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг №YU 0707-000009 сонли баённомаси ҳамда тааллуқли ташкилотларнинг хулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги МИБ “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг №YU 0707-000009 сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Мазкур баённомага мувофиқ ер участкаси 2 810 916,40 сўм (икки миллион саккиз юз ўн минг тўққиз юз ўн олти сўм) 40 тийин баҳога сотилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида 2019 йил 9 апрел куни ўтказилган электрон очик аукцион орқали фуқаро Бектошев Зикиржон Алиқўзиевич (АА 6263657 СТИР 556026872)га сотилган Каттакўрғон шаҳар Яккабоғ МФЙ Ингичка кўчаси худудида жойлашган 0,12 га (ер участкасининг рақами №1718406-ZU/14619, ЛОТ рақами 0060277) ер майдони “Мебел цехи” қуриш учун ажратилсин ва қурилишга рухсат берилсин.

3. Бектошев Зикиржон Алиқўзиевичга:

- Ушбу ерга шаҳар ҳокимининг 2019 йил 27 мартдаги 623-Қ-сонли электрон аукцион орқали сотишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатиб ўтилган